

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛАМОВА МУНИСХОН МАҲМУДОВНА

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ИНСОН
ТУШУНЧАСИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Гуламова Муниسخон Махмудовна

Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросида инсон тушунчаси..... 5

Гуламова Муниسخон Махмудовна

Концепция человека в духовном наследии Ходжа Мухаммада Порсо.....23

Gulamova Muniskhon Mahmudovna

The concept of man in spiritual heritage of Khodja Muhammad Porso.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛАМОВА МУНИСХОН МАҲМУДОВНА

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА ИНСОН
ТУШУНЧАСИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fal587 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намозов Бобир Баҳриевич
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Юнусова Гуландом Самиевна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саматов Хуршид Улмасжонович
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “27” декабрь соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (232 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “14” декабрь куни тарқатилди. (2022 йил “14” декабрь даги 38 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г. Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А. З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саломова Х. Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда туб ўзгаришлар кечаётган мураккаб глобаллашув шароити сиёсий, ҳукукий, иқтисодий, ижтимоий-маънавий ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уларни амалга оширишда тараққиёт стратегияси асосида ёндашув заруратини намоён қилмоқда. Шу нуқтаи назардан инсон қадрини улуғлаш, маърифатли фаол инсонни шакллантириш ва тарбиялашда Шарқ халқлари фалсафий тафаккурининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган тасаввуф инсонпарварлик, ҳақиқатсеварлик, маънавий-руҳий уйғунликка эришиш, ахлоқий етуклик ғоялари муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ёшларни “радикализм”, “маънавий таназул” ва ғайриинсоний ғоялардан ҳимоя қилишда Хожа Муҳаммад Порсонинг инсонга оид қарашлари, “фаросат” илми сингари комилликка ундовчи ғояларининг маънавий ва маърифий аҳамиятини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фани ва илмийтадқиқот муассасаларида Шарқ мутафаккирлари диний ва фалсафий меросининг қиёсий таҳлили асосида замонавий шахсни шакллантириш, инсоннинг эзгулик ва ёвузликка мойиллик сабабларини очиб беришга оид фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Маърифатли жамиятни барпо этишда маънавий барқарор ривожланиш мезонлари, диний ва дунёвий қадриятлар интеграцияси ҳамда умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлаш маънавий-ғоявий янгиланиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалиётга жорий этилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросида илгари сурилган илм- маърифатли бўлиш, ҳусни хулқ, илоҳий ишқ, ўзликни англаш, инсон маънавий тараққиётига оид ғояларнинг “инсон” тушунчаси билан боғлиқлиги ва унинг ўзига хос жиҳатларини, маънавий-ахлоқий тарбиянинг инсонпарвар мақсадлар негизида шаклланган тамойилларини фалсафий-тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда маърифатли жамият, инсон қадрни устувор бўлган ижтимоий маънавий маконни барпо этишдабуюк алломаларнинг илмий-маънавий мероси, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан ёш авлодни муносиб ворислар қилиб тарбиялашга оид ислохотлар олиб борилмоқда. “Томирларида буюк боболаримизнинг қони оқаётган ёшларимиз улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиши, улар каби улкан мақсадлар сари интилиб яшаши ва юксак марраларга эришиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишимиз зарур. Янги Ўзбекистон ёшлари ана шундай юксак даражаларга кўтарилиши учун барча имкониятларни ишга соламыз”¹. Хусусан, Хожа Муҳаммад Порсонинг умуминсоний қадриятлар негизида шаклланган фалсафий антропологик қарашларидаги инсон камолоти учун конструктив аҳамиятга эга бўлган позитив ғояларни ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини тарғиб этишдага фалсафий аҳамиятини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O’zbekiston”, 2021. – Б.263.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда соҳага оид бошқа меъриё-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ХожаМуҳаммад Порсонинг ирфоний-фалсафий қарашлари қатор қўлёзма асарларида баён этилган. Унинг бой маънавий мероси қатор мутахассис соҳа олимлари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, сўфийлик тарихи ва фалсафаси, алоҳида оқимлар ва тариқатлар тарихи жумладан, Нақшбандия тариқатининг назарий масалаларига қаратилганхусусан хорижлик шарқшунос олимлар Ф. Майер, Ю. Пауль, В. Вяткин, А. Болдырев, В. Бартольд, В. Жуковский, И. Брагинский, Е. Бертельс, Л. Массиньон, Р. Никольсон, А. Ироки, М. Икбол, С. Нафиси, Дж.С. Тримингем, М. Нажод, Х. К. Ёылмазмонографиялари муаммонинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ этишда муҳим методологик асос сифатида хизмат қилган².

²Meier F. Zwei Abhandlungen über die Naqshbandiya. Stuttgart-Beirut 1994; Онже. Meister und Scitilerim Orden der Naqshbandiya. Universitätsverlag C. Winter: Heidelberg 1995; Jiirgen Paul. Doctrine and Organization the Klfajagan-Naqshbandiya in the First Generation After Baha'uddin. Berlin: Das Arabische Buch, 1998; Maslak al-'arifin. Ein Document zur friihen Geschichte tier Hwagagan-Naqshbandiya // Hallesche Beitrige zur Orientalwissenschaft, 25 (1998); Вяткин В.В. О Ходже Ахроре // Туркестанские ведомости. Ташкент, 1898. № 3; Болдырев А.Н. Ещё раз к вопросу о Ходже Ахроре. М., 1985; Брагинский И.С. Заметки к изучению творчества Джами. М., 1965.; Бартольд В.В. Улутбек и его время // Соч. Т. II. Часть 2. М., 1964; Жуковский В.А. Тайны единения с Богом в подвигах старца Абу – Саида. С - Петербург 1899; Брагинский И.С. Заметки к изучению творчества Джами. М., 1965; Бертельс Е.Э. Навои и Джами. М., 1965; Он же. Суфизми суфийская литература. М., 1965; Massignon L. La passion d'al-Halladj, martyr mystique de l'islam, Paris 1922; Recueil de textes inedits concernant l'histoire de la mystique en pays de islam, Paris 1929; Nicholson R. The Mystics of Islam. 1914; Ироки Ахмад Тохир. Предисловие к Кудсия. Тегеран, 1354 г.с.к. Он же. Нақше аз нақшбандон. Тегеран, 1354 г.с.к.; Икбол Малик Муҳаммад. Предисловие к Кудсия. Равалпинди 1354 г.с.к.; Икбол Нафиси Саид. История поэзии и прозы в

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида А. Мухамедходжаев, О. Ястребов, Ю. Ионнесян, Б. Бабаджанов А. Хисматулин каби бир қатор олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар Хожа Муҳаммад Порсо илмий меросининг нақшбандия тариқати ва Марказий Осиё тасаввуфининг ривожланиш тарихини очиб беришда методологик квазифани бажаради³.

Мамлакатимизда Марказий Осиё алломалари мероси, тасаввуф ва тариқатлар тарихи, тасаввуфнинг инсон камолотидаги ўрнига оид тадқиқотлар И. Мўминов, М. Болтаев, Э. Каримов, А. Жузжоний, С. Каримов, Р. Шодиев, Г. Наврўзова, А. Хусейнова, Н. Сафарова, Ҳ. Саломова, М. Хажиева, Г. Юнусова, Х. Саматов, К. Рахимов каби олимлар томонидан амалга оширилган⁴. Шунингдек, Ж. Холмўминов томонидан амалга оширилган “ваҳдатул-вужуд” таълимоти ва унинг Нақшбандия таълимотига таъсирига оид тадқиқоти, Б. Намозовнинг Муҳаммад Порсо таълимотининг фалсафий асосларини очиб беришга оид монографик ва диссертацион илмий изланишлари ўзига хос аҳамиятга эга⁵.

Жаҳон ва Ўзбекистоннинг шарқшунос, тарихчи ва файласуф олимларининг Шарқ мутасаввифлари мероси хусусан, Хожа Муҳаммад Порсо ва Нақшбандия тариқатини ўрганиш бўйича олиб борган изланишлари Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Муҳаммад Порсо таълимотининг бугунги кун учун аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Айни пайтда юқорида қайд этилган илмий-тадқиқот ишларидан фарқли равишда Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросида инсон тушунчаси ва унинг ирфоний-фалсафий таҳлили тарлича асосланмагани сабабли, ушбу диссертацияда тасаввуфда инсон муаммосининг муҳим фалсафий жиҳатларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни

Иране и в персидском языке до конца десятого столетия хиджры. Тегеран, 1363 г.с.к.; Тримингем Дж.С. Суфийские ордены в исламе. М., 1989; Мисгари Нажд. Предисловие к Фусус ал-хикам Ибн Араби. Тегеран, 1366 г.с.к.; Хасан Камилъ Йылмаз. Золотая сильсиля. М., 2009.

³Мухаммедхожаев А. Идеология Нақшбандизма.- Душанбе: Дониш, 1991.-Б.230.; Ястребов О.М., Иоаннасенян Ю., Бабаджанов Б. Мудрость суфиев. Санкт-Петербург: Санкт-Петербургское Востоковедение, 2001. 290.с; Хисматулин. А.А. Суфизм в Центральной Азии. Санг-Петербург, 2001. –С. 160.

⁴Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. - Тошкент: 1968., - 75.б.; М.Н.Болтаев. Великие мыслители Востока. Бухара, 2006.С.:195; Шодиев Р. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий кадриятлар. – Самарқанд, “Зарафшон”, 1992.; Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили.) – Тошкент: “Sano-standart”, 2019. – 254 б.; Хусейнова А.А. Шарқ мутафаккирлари дунёкарашида умуминсоний кадриятлар. – Тошкент: “Paradigma”, 2017. – 136 б.; Сафарова Н. Хожагон тариқати. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2003. -Б.98; Саломова Ҳ. Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти – Бухоро: “Дурдона”, 2018. – 156 б.; Хажиева М. Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-маърифий қарашларининг тарбиявий аҳамияти. –Тошкент: Мухаррир, 2012. -134 б.; Саматов Х. Маҳдуми Аъзам маънавий мероси ва ҳозирги замон. -Тошкент: “Tafakkur”, 2019. - 149 б.; Раззоқов Ф., Рахимов К. Хожагон-нақшбандия тариқати ва Етти пир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020. – 168 б.;

⁵Холмўминов Ж. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва Нақшбандия таълимоти (Ибн ал-Арабий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий қарашлари асосида). Монография. – Тошкент: “Tafakkur”, 2020. – 324 б.; Намозов Б. Муҳаммад Порсо таълимотида вужуд фалсафаси. – Бухоро: Дурдона, 2012. - Б.68.

шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари” (2017-2022 йй.) илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросидаги инсон тушунчасининг ирфоний-фалсафий моҳиятини очиб бериш ва унинг комил инсонни тарбиялашдаги ўрнини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хожа Муҳаммад Порсо дунёқарашига таъсир кўрсатган ижтимоий-тарихий, маданий-маънавий муҳит хусусиятларини тадқиқ этиш;

Хожа Муҳаммад Порсонинг инсон тушунчасига оид қарашларининг ўзига хос хусусиятларини фалсафий антропологик моҳиятини очиб бериш;

мутасаввифнинг инсон табиати, хислатлари ва тоифалари ҳақидаги фалсафий-ирфоний ғояларининг тасаввуф фалсафаси ривожига таъсирини асослаш;

Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросида тасаввуф антропологияси, инсон камолоти ва диний-ахлоқий ғояларнинг фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш;

Хожа Муҳаммад Порсонинг фаросат, саодат белгилари, хусни хулқ тушунчаларининг ёшлар ахлоқий тарбиясидаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хожа Муҳаммад Порсонинг маънавий мероси ҳамда Шарқ мутафаккирларининг мавзуга оид назарий манбалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросида инсон тушунчасининг фалсафий, ирфоний моҳиятини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик ва ворисийлик, анализ ва синтез, диалектик, герменевтик, қиёслаш, таққослаш ва умумлаштириш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарида Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг назарий бойитилганлиги ҳамда инсон тушунчасининг (аксиологик, антропологик) негизида “Дил ба Ёр, даст ба қор” (тана ва руҳ уйғунлиги) ғоясига мутаносиб эканлиги очиб берилган;

Муҳаммад Порсо “Фасл-ал хитоб” асарида илгари сурган “Фаросат” илми концепцияси антропологик ва гносеологик таълимотлар билан ўзаро диалектик илдизларга эга эканлиги, тасаввуфда инсон тушунчасига оид қарашларнинг такомиллашувига хизмат қилганлиги мантиқий аргументлаш воситасида асосланган;

Хожа Муҳаммад Порсонинг инсон борлигидаги табиат (модда), маънавий (қалб, нафс, хусни хулқ) инсон моҳиятининг асоси эканлиги ва уларнинг ўзаро детерминистик таъсири фалсафий таълимотларнинг онтологик хусусиятлари билан боғлиқлиги “Фасл-ал хитоб” асаридаги фалсафий-антропологик ғоялар асосида мантиқий далилланган;

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фасл-ал хитоб” асаридаги илм, маърифатли бўлиш, саодат белгилари, икки олам саодатига эришиш сингари комилликка ундовчи ғоялари инсон қадрини улуғлаш, маърифатли маънавий макон барпо этишда ҳамда ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда субстанционал асосга эга эканлиги фалсафий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросида инсон борлиғи, моддий ва маънавий уйғунлик, олам ва одам муносабатлари, умуминсоний қадриятлар “Инсон фалсафаси” ҳамда диний билимларнинг замонавий шахс тарбиясида ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришда хизмат қилиши далилланган;

маърифатли, фаросатли ёшларни тарбиялаш, инсон қадрини улуғлаш, инсон инсон учун муҳим бўлган жамиятнинг турли қатламлари орасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, шахсларо муносабатларда муроса маданиятини шакллантириш, Янги Ўзбекистон жамиятида дунёвий ва тасаввуфий қадриятлар интеграциясини таъминлашдаги аҳамияти асослаб берилган;

инсон тарбиясида илм, маърифат, фаросат, ўзликни англаш борасидаги мезонлари асосланган ҳамда глобаллашув шароитида жамият маънавий-мафкуравий ҳаётида Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросидаги антропологик мазмунга эга ғоялардан “эгоцентризм”, “ахлоқий нигилизм”га қарши курашишда фойдаланишга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Порсоия” таълимотида илгари сурилган ўсиб келаётган ёш авлодда илм, маърифатли бўлиш, икки олам саодатига эришиш сингари комилликка ундовчи концепциялар асосида инсон қадрини улуғлаш, маърифатли маънавий макон барпо этиш ҳамда ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш имкониятлари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усулларининг тўғри танланганлиги ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий-услубий хулосаларнинг фалсафа тарихи таҳлили, жумладан Шарқ мутафаккирлари ҳамда Хожа Муҳаммад Порсонинг антропологик қарашларининг назарий масалаларини ўрганишга оид илмий-тадқиқот ишларида, мутафаккирнинг фалсафий-антропологик қарашларини бошқа файласуфлар, мутасаввифлар ғоялари билан қиёсий таҳлил қилишда, илм-фанда тасаввуфнинг инсон борлиғи, фаросат, гўзал ахлоқ, комилик фазилатларининг фалсафий моҳиятини очиб бериш ҳамда ёшларда инсон қадрини улуғлаш, маърифий ва ахлоқий тарбияни ривожлантиришга қаратилган маънавий-маърифий

тарғибот ишларида назарий-методологик асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулосалардан “Маънавият ва маърифат” марказларининг маънавий тарғибот фаолиятида, диний ва дунёвий илм соҳасида билим беришга қаратилган тасаввуф илми мактаби тингловчилари ва илмий-маданий жамоатчиликни кенг хабардор этиш, уларнинг касбий ахлоқий фазилатларини ошириш бўйича илмий-амалий, методик ўқишларда, шунингдек, Хожа Муҳаммад Порсонинг ва Шарқ мутафаккирлари тасаввуф фалсафаси тақдимотига оид маърузаларда ҳамда таълим муассасаларида ўқитиладиган “Фалсафа тарихи”, “Тасаввуф фалсафаси”, “Тасаввуф тарихи”, “Тасаввуф герменевтикаси”, “Тарбия”, “Маънавиятшунослик” ва “Касбий маънавият” фанларининг мазмунини бойитиш ва ўқув-методик қўлланмаларнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросидаги инсон тушунчасининг ирфоний-фалсафий моҳиятини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи кудсия” асарида Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти назарий бойитилганлиги ҳамда инсон тушунчасининг (аксиологик, антропологик) негизда “Дил ба Ёр, даст ба қор” (тана ва руҳ уйғунлиги) ғоясига мутаносиб эканлиги очиб берилганлигига оид назарий умумлашма ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ОТ-Ф1-106-сон “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросининг Ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиши” (2017-2020 йй) фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини амалга оширишда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 13 августдаги 01/10-И-4656-сон маълумотномаси). Натижада, ўсиб келаётган ёш авлодда Хожа Муҳаммад Порсо маънавий меросининг инсон борлиғи, моддий ва маънавий уйғунлик асосида умуминсоний қадриятлар “инсон фалсафаси” ва диний билимларнинг замонавий шахс тарбияси ва инсонпарварлик позицияларининг мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилган;

Муҳаммад Порсо “Фасл-ал хитоб” асарида илгари сурган “Фаросат” илми концепцияси антропологик ва гносеологик таълимотлар билан ўзаро диалектик илдизларга эга бўлиб, тасаввуфда инсон тушунчасига оид қарашларнинг такомиллашувига хизмат қилишига доир хулосалар ва илмий янгиликлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг ўқув семинарлари, тренингларни ташкил этишда, жумладан, жаҳон илм-фани тараққиёти ва цивилизациясига ҳисса қўшган аждодлар илмий меросини тадқиқ қилиш ҳамда янги юксалиш давридаги ютуқларни тарғиб қилиш бўйича “Йўл харитаси”нинг II “Маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари”да белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2022 йил 7 июндаги 442-сон маълумотномаси). Натижада, кенг

жамоатчилик ва ёш авлод онгига буюк мутафаккир ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашларини янгича назарий-услубий ёндашувлар асосида сингдириш, уларни келажакда юртимиз равнақи йўлида фидойи инсон бўлиб етишишларида муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

Хожа Муҳаммад Порсонинг инсон борлигидаги табиат (модда), маънавий (қалб, нафс, ҳусни хулқ) инсон моҳиятининг асоси эканлиги ва уларнинг ўзаро детерминистик таъсири фалсафий таълимотларнинг онтологик хусусиятлари билан боғлиқлиги “Фасл-ал хитоб” асаридаги фалсафий-антропологик ғоялари асосида мантиқий далилланганлигига оид илмий хулосалар ва амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг II Боб “Ислом цивилизациясининг умуминсоний кадриятларини, жумладан халқимиз маънавияти ва маданияти ривожига тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, уларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш” бандидаги илмий-маданий жамоатчиликни кенг хабардор этиш ҳамда каталоглар, альбомлар, илмий-амалий материаллар базасини такомиллаштиришда, буюртма асосидаги “Ўзбекистон – бағрикенг диёр” китоб-альбомининг “Ислом” қисмини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2022 йил 5 июлдаги 02/334-сон маълумотномаси). Натижада, китоб-альбомнинг мавзуларини илмий манбалар асосида мазмунан бойитишга ҳамда Муҳаммад Порсонинг илм, маърифатли бўлиш, саодат белгилари, икки олам саодатига эришиш сингари комилликка ундовчи ғоялари инсон қадрини улуғлаш, маърифатли маънавий макон барпо этишига хизмат қилган;

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фасл-ал хитоб” асаридаги илм, маърифатли бўлиш, саодат белгилари, икки олам саодатига эришиш сингари комилликка ундовчи ғоялари инсон қадрини улуғлаш, маърифатли маънавий макон барпо этишда ҳамда ёшларни умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашда субстанционал асосга эга эканлигига доир илмий янгиликлар ва амалий таклифлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йилда эфирга узатилган “Ассалом Бухоро”, “Замондош”, “Саккизинчи мўъжиза” телекўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 11 августдаги 1/194-сон маълумотномаси). Натижада, халқимизни, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш зарурлиги, диний ва миллий тотувлик ғояларидан бағрикенглик, бугунги кунда инсонларни ҳаётни қадрлашга, ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашда энг самарали, мақбул усуллари ҳақидаги хулосалар телетомошабинларнинг ушбу масалалар юзасидан керакли маълумотларни олиш имкониятини бериб, кўрсатувларнинг илмийлиги ва оммабоплигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та илмий мақола (4 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 144 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Хожа Муҳаммад Порсо “Порсоия” таълимоти асосчиси”** деб номланган биринчи бобида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, маданий-маънавий ҳаёт, даврнинг ўзига хос хусусиятлари ва Хожа Муҳаммад Порсо ҳаёт йўли, дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатган ижтимоий шарт-шароит унинг “Порсоия” тасаввуфий таълимоти хусусида батафсил маълумот берилган.

Тадқиқотда XIV-XV асрлардаги маърифий, маданий, ривожланиш диний-фалсафий таълимотларнинг такомиллашиб, мустаҳкамланиб бориши билан узвий боғлиқ бўлиб, ислом динини, фалсафий, тасаввуфий ғоялар, маърифий таълимотларни ўрганиш ва ўқитишга эътибор қаратилди. Дин аҳллари ва уламоларнинг давлат ишларидаги иштироки учун имконият мавжуд эди. Бу ҳақда Темур тузукларида дин арбоблари, шайх, саййид, уламолар фаолиятига ўрин ажратилиб, уларнинг давлат ишларидаги иштироки бир неча бор қайд этилган⁶. Темур ва темурийлар зиммасига мўғулларнинг босқинчилиги асоратини тиклаш ҳамда мамлакатда ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий муҳитни соғломлаштириш вазифаси тушганлигини ва айни пайтда нақшбандия таълимоти ғоялари, тасаввуф шайхларининг хизматлари катта бўлганини диссертант ишончли тарихий манбалар асосида таҳлил этган.

Диссертант мўғулларнинг Мовароуннаҳр ўлкаси ҳудудларида тожу-тахт учун ўзаро курашлари маданий-маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатганлигини, ўлка маданияти тарихига оид манбалар, илм масканлари, мадраса ва кутубхоналар қаровсиз қолганлигини, кўплаб илм-фан, санъат, адабиёт, вакиллари, уламолар тоифаси, олимлар, меъмор ва мусаввирлар азият

⁶ Ахмедов Б. Соҳибқирон Темур. – Тошкент, 1996. – Б.4.

чекканлиги, кўпчилик уламолар бошқа юртларга чиқиб кетганликларини, шу чигал вазият сабаб илмга эътиборнинг пасайганини таъкидлайди. Амир Темурнинг “Саййидлар, уламо, шайхлар, фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доимо келиб кетиб, мажлисимни бебаб туришди. Диний ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим”⁷, - деган фикрларини келтириб, Амир Темур даврида давлатчилик илм ва маърифатга, олимлар, шайхлар, улуғ уламоларга бўлган муносабатнинг ўзига хос аҳамиятини очиб беради. Темурийлар даврида темурий шахзодлар томонидан Амир Темур бошлаб берган анъаналар ривожлантирилганлиги, бунинг натижасида Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-маърифат марказлари қайта тикланганлиги, олимларнинг сони кўпайгани, айниқса, ижтимоий ҳаётда тасаввуф ҳамда табиий фанлар, адабиёт, санъатнинг ривожини учун ҳам кенг имониятлар очилганини таъкидлайди. Бухоро, Самарқанд, Насаф, Ҳирот, Нишопур шаҳарлари ўзига хос илм-маърифат, ирфон масканларига айланди. Шунингдек, илк IX-XII асрлардаги маданий юксалишлардан озиқланган темурийлар даври ўзига хос тарзда XIV-XV аср маърифий тараққиёт Сўнгги Ренессанс учун жуда катта маданий кўтарилишларга йўл очганлигини, бу Уйғониш даврларининг ўзаро таъсири ва алоқадорликларини очиб беради. Янги Ўзбекситонда Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган бир вақтда маданиятимиз тарихидаги мазкур маънавий ҳодиса бўлган тасаввуф ва унинг жамият ҳаётидаги ўрнини билиш учун темурийлар даврини чуқурроқ ўрганиш зарурлигини уқтиради. Тадқиқотчи такидлашича, қадимдан кутубхоналар жамият ҳаётининг ажралмас қисми, инсон маънавиятнинг сарчашмаси бўлиб келган. Илм-маърифат маскани, инсоният асрлар давомида йиғиб тўплаган инсоний тажрибалари, билимлари ва маданиятини авлоддан-авлодга ўтиб боришини таъминловчи ўзига хос умуминсоний кадриятларни мажмуи сифатида муайян даврларда “дор ал-кутуб”, “хизанат ал-кутуб” бўлиб, ижтимоий-сиёсий, тарихий шарт-шароит сабабли кенгайиб, бойитилиб, моҳиятан сарой, умумий жамоат, вақф ҳамда шахсий кутубхоналар шаклини олган. Тадқиқотда кутубхоначилик тарихи билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб, жамият маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган хаттотлик, мусаввирлик, муқовасозлик, наққошлик, тазҳибчилик соҳаларига эътибор қаратилган. Диссертант мазкур соҳа вакиллари айниқса, хаттотлар сулс, насх, настаълик, куфий, риқо, райҳоний хат турлари билан бирга хаттотлик қондиларини ҳам яхши билиши ўзлаштириши лозим бўлганлигини таъкидлайди. Бу ўз ўрнида соҳа кишиларидан кучли билим, юксак маҳорат ва нозик дид бўлишини ҳам талаб қилган. Амир Темур ва темурийлар даври маълум маънода ушбу истеъдодларнинг етишиб чиқиши учун мустаҳкам замин яратди. Шу маънода Сўнгги Ренессанс даври деб номланган бу асрлар ижтимоий-тарихий муҳитини, маданияти ва санъатини теран ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, ишнинг марказий

⁷Темур тузуклари. / Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-Б.64.

масалаларига қайтиб тадқиқотчи, муҳр босиш амалиётини тизимлаштирилишининг тарихий сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиб, китобларга босилган ҳар бир муҳр очилмаган қўриқ бўлиб, шахсий ва вақф кутубхоналари, китоб савдоси, қўлёзмалар кўчиб юриши ҳақидаги фактларни, Марказий Осиё тарихи ҳамда сфрагистикаси соҳалари билан шуғулланувчиларга ноёб маълумотларни тақдим этиши мумкинлигини уқтиради. Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасининг шу масалалар билан боғлиқ жиҳатларини ёритиб, машҳур кутубхоналардан бири сифатида инсон маънавияти ҳамда маърифат учун хизмат қилганлигини соҳалар бўйича тадқиқотлар ҳамда манбаларга таяниб асослашга ҳаракат қилган.

Диссертант тасаввуф ва тариқатларнинг ривожланиш эволюцияси нуқтаи назаридан илк ўрта аср тасаввуфи ҳамда темурийлар даври сўфийлик таълимотлари уларнинг ижтимоий ҳаётга маънавий-тарбиявий таъсири, мутасаввифларнинг асарлари улар яратган таълимотларнинг инсонпарварлик моҳиятини, айниқса, Нақшбандия таълимоти, унинг вакиллари хусусан Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳаёти ва фаолияти темурийлар салтанати ҳаёти билан боғлиқлик жиҳатларини мавзу доирасида кенг таҳлил этган. Бу ҳақидаги “Хожа Муҳаммад Порсо гоҳ-гоҳ мусулмонларнинг муҳимларини кифоят этмак жиҳатидин Мирзо Шоҳруҳга “руқъа” ёзар эрдилар”,⁸ -деган маълумотларни иқтибос қилиб фикрларини асослаган.

Диссертант Хожа Муҳаммад Порсонинг йирик мутасаввиф, улуғ муршид сифатида шаклланишининг бир қанча омилларини келтиради: Унингча: 1) Хожа Муҳаммад Порсо зиёли тақводор хонадонда фақиҳ ва ўз даврининг ҳурматли хонадон соҳиби Хисомуддин Юсуф тарбиясини олган; 2) Мутасаввиф Бухорода ўша даврнинг энг номдор мадрасаларида таълим олган 3) Мутасаввифнинг Баҳоуддин Нақшбанд назарига тушиши 4) Хожа Муҳаммад Порсо китобхонликни яхши кўрган ва ўзининг машҳур кутубхонасига эга бўлган; 5) Хожа Муҳаммад Порсо темурийзодаларнинг яқин маслаҳатчиси бўлган, улар мамлакатни идора этишда унинг маслаҳатларига таянишган.

Тадқиқотда Хожа Муҳаммад Порсонинг тўлиқ исми – Муҳаммад бин Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий фақиҳ олим Хисомуддин Юсуф авлодларидан бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳамроҳи ва содиқ издоши Ҳофизуддин ал-Кабир, ал-Бухорийнинг неварасидир. У 1345 йилда Бухоро шаҳрининг “Қуйи деҳқон”⁹ маҳалласида туғилган, ҳижрий 822 (милодий 1420) йилда Мадина шаҳрида вафот этган вазу шаҳар яқинидаги “Жаннатул Бақъ” қабристонига дафн қилинган. Шайх Зайниддин Хавофий Мисрдан оқ тош келтириб қабри устига қўйдирганлиги¹⁰ манбалар асосида исботланган.

Диссертант Хожа Муҳаммад Порсонинг ўз даври маънавий ҳаёти, айниқса, Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари ижтимоий маданий ҳаёти учун хизматлари жуда катта бўлганлигини эътироф этади. Диссертацияда Хожа

⁸Фаҳруддин Али Сафий. Рашоҳотайну-л-ҳаёт. / Худойберган Бекмуҳаммад таржимаси. - Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.91.

⁹. Қаранг: Сухарева С.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. – Москва, 1976.-С.296.

¹⁰Навойи, Алишер. Насойимул-муҳаббат.-Тошкент: Фан, 2001.-Б. 269.

Муҳаммад Порсонинг нафақат нақшбандия тариқати вакили ёки назариётчиси балки амалиётчи шайх Порсоия таълимоти асосчиси сифатида таърифлайди, “Порсо” таҳаллуси билан боғлиқ далилларни, маъносини очиб беради. Парҳезкор, тақводор маъноларини унинг асарларидаги инсон ва унинг нафсини тарбиялашга қаратилган концепциялари билан боғлайди. Манбаларда “Порсоия” тармоғи Хуросон ҳудудларида Хожа Муҳаммад Порсонинг ўғли Абу Наср Порсо томонидан давом эттирилганини кейинги даврларда бу бошқа таълимотларга, нақшбандиянинг “Аҳрория” тармоғига сингиб кетганлиги ҳақида маълумотлар борлигини таъкидлайди. Шунингдек, Хожа Муҳаммад Порсонинг илмий мероси, айниқса, ирфон ва инсон фалсафасига доир “Таҳқиқот”, “Рисолаи қудсия”, “Фасл-ал хитоб” асарлари таҳлили натижасида унинг нафақат Нақшбандия тариқатининг вакили балки, унинг умумтасаввуфий таълимот даражасига кўтарилишида тамал тошини қўйган назариётчи олим, тасаввуф таълимотининг назарий ва амалий масалаларини илмий таҳқиқ¹¹ қилган, ирфон фалсафаси намояндаси, давлат арбоби, муҳаддис, фақиҳ сифатида асослаб берган.

Тадқиқотчи Хожа Муҳаммад Порсо илмий меросининг таҳлили ҳамда илмий изланишлар олиб борган олимларнинг хулосаларига таяниб унинг асарларини қуйидагича таснифлаган:

I. Ислом илмларига бағишланган (Қуръон, ҳадис, тафсир, калом) асарлар;

II. Нақшбандия тариқати ва тариқат одобларига бағишланган асарлар;

III. Тариқатлар амалиёти ва назариясига оид асарлар;

IV. Таҳқиқ, яъни изланишлар туркумига кирувчи китоблар.

Муҳаммад Порсо йигирмадан ортиқ тасаввуф, ирфон фалсафаси, тасаввуф назарияси ва тариқатлар тарихига доир муфассал асарлар ёзиб қолдирди. Унинг илмий мероси темурийлар даври маданий юксалишларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган.

Диссертациянинг “**Хожа Муҳаммад Порсо меросида инсон тушунчаси ва унинг фалсафий-ирфоний таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида инсон тушунчаси ва унинг фалсафий, диний, тасаввуфий, моҳияти, инсон табиати, хислатлари ва тоифалари хусусидаги қарашлари, антропологик мулоҳаза ва ғоялари таҳлил этилган.

Инсон тушунчасига аниқ таъриф бериш учун уни оламда мавжуд бўлган бошқа биологик мавжудотлардан ажратиб турувчи энг муҳим хусусиятларини аниқлаш зарур. Шу маънода инсон тили, тафаккури, хотираси борлиги билан ажралиб туради. Инсоннинг биологик ҳолати, руҳий ҳолати, маънавияти, жамиятда шаклланган фазилат, хислат, қобилият, малакалари унинг мураккаб бир бутун биосоциал мавжудот эканлигидан далолат беради. Диссертант шу нуқтаи назардан инсон тушунчасининг ирфоний-фалсафий таълимотлардаги намоён бўлиш хусусиятларига эътибор қаратиб, диний-фалсафий қарашлар тизимида ўз ўрнига эга. Хожа Муҳаммад Порсонинг инсон тушунчаси билан боғлиқ қарашларини таҳлил этган.

¹¹Изоҳ: таҳқиқ-изланиш, ҳақиқатлаш, асослаш.

Диссертант ишда инсон сўзининг – арабча “نسيان”, “нисён” ёки “نسي” “насия” сўзлари ўзагидан иборат бўлиб “унутувчи” деган маънони англатишини ифодалаб, у билан боғлиқ фикрларни ёритишга ҳаракат қилади. Инсон ҳақидаги қарашлар жуда қадим замонларга бориб тақалади. Оламнинг яралиши, одамнинг пайдо бўлиши, олам ва одам муносабатлари хусусидаги турли ғоялар инсон ҳақидаги таълимотларнинг барча даврларда вужудга келганлигини, ҳар бир таълимотда инсонни ўрганиш йўллари ҳам турлича бўлганлигини кўрсатади. Аслида инсонни фалсафий тушунишнинг ягона андозаси мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан инсоннинг моҳиятини, инсон ўзини 1) нотирик табиат билан айнанлаштириши; 2) тирик табиат билан айнанлаштириши; 3) космос билан айнанлаштириши; 4) социал муҳит билан айнанлаштириши; 5) бошқа объектлар ва субъектлардан фарқлаши; 6) “мени”дан фарқлашидан иборат ўзига хос тенденциялардан излаш керак, -деб таъкидлайди. Мазкур бобда қўйилган муаммони ҳал этишда фалсафа тарихига мурожаат қилади. Ҳар бир даврда ҳам инсон масаласи фалсафий фанларнинг бош мавзуси бўлиб келганлигини уқтиради.

Тадқиқотчи Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фасл-ал хитоб” ва “Таҳқиқот” асарларидан жавоб излайди, мутасаввифнинг инсон билан боғлиқ қарашларини парчалар шаклида бўлсада уларни йиғиб яхлитлаштиради ва таҳлил этади. Хожа Муҳаммад Порсонинг яратилиш ҳақидаги қарашларида “Аллоҳ одамни ернинг барча томонларидан олинган бир сиқим тупроқдан яратгани сабабли, одам авлоди ернинг турига ўхшаб, қизил танли, оқ танли, қора танли ва уларнинг орасидаги рангларга эга. Ернинг юмшоқ, қаттиқ, пок, нопок жойлари бўлгани каби инсонлар ҳам турлича бўлади. Покиза тупроқ одамлари мулойим кароматли, улуғ хислатли бўлиб, улар орасида ҳур ва эркин муқаррам кимсалар бўлиши”¹² хусусидаги фикрларини таҳлил этган. Оламдаги ўзгаришлар, ходисалар, такомиллашув барча-барчаси, Ҳақ ва унинг исми, феъли, қудрати, ҳикмати инсон орқали амалга ошади. Унинг фикрига кўра, инсон Аллоҳ томонидан яратилган бўлиб, тўрт унсурдан ташкил топган. Бу тўрт унсур тупроқ, сув, бод (ҳаво) оташ (олов)дир. Бу унсурлар инсон қолипида жамланган. Мутасаввиф бу унсурларнинг тартиб билан жойлашганини ва улар орасида руҳнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлайди. Унинг баён этишича, руҳ бор аммо жасадда деган маънони англатмайди. Албатта, бу Қуръоннинг “Исро” сурасидаги Руҳ ҳақидаги билимнинг кам берилганлиги, пайғамбарлардан ҳам сир тутилганлиги, у мавжуд лекин у хусусида кўп гапирмасликка ишора қилинганини асослаган. Ҳамда инсон руҳи бошқа мавжудотлар руҳидан латифроқ эканлигини манбага таяниб уқтиради. “Инсон” муқаррам, хушбичим ва халифа қилиб яратилганлиги хусусидаги Қуръоний оятлар мазмунини келтиради.

Хожа Муҳаммад Порсо ҳам ўзидан олдин ўтган алломаларнинг қарашларини қўллаб-қувватлаб: инсон табиати билан ҳайвонот, наботот оламига мансуб, руҳи маънавий борлиғи билан фаришталарга яқин деган,

¹²Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. / Бухоро Марказий АКМ. Шарқ қўлёзмалари бўлими. INV/137-рақамли қўлёзма. - В.3.

хулосага келганини уқтиради. Демак, оламдаги барча нарсалар ўзаро алоқада, ерда ва самода ягона қонун асосидаги ҳаракат мавжуд, бу оламнинг тартиблилиги фалсафий ибора билан айтганда детерминизм принципнинг намоён бўлишини ифодалайди. Шунингдек, инсон тушунчаси Хожа Муҳаммад Порсо меросида Қуръон оятларига ҳамоҳанг эканлиги уқтирилади. Инсонни васф этиш, уни улуғлаш, камолотга эришиштириш ғоялари тасодиф эмаслиги, тасаввуфда ҳамда диний таълимотларда “Инсон ” тушунчаси атрофидаги тасаввурлар Қуръон асосида шаклланган. Шуниси эътиборлики, баъзи оятларда инсон улуғланса, баъзисида мааззамат этилади.

Диссертант тасаввуфда яралиш, комил инсон ғоялари “Ҳақиқати Муҳаммадия”га бориб боғланишини, тасаввуф фалсафасида Аллоҳ (уни Жавҳари зот, Мутлақ Рух, Ақли кулл) аввал Муҳаммад нурини яратганини, шу нур туфайли оламларни ва одамларни яратганини, шу сабабли олам асосида “Муҳаммад нури” ёки “Муҳаммад ҳақиқати” асос деган қарашларни инсон ва олам муносабатлари, дунёни яралиши билан боғлиқликда,-деган қарашларнинг моҳиятини фалсафий таҳлил этган.

Тадқиқотчи инсон борлигини ўрганишга бўлган қизиқиш турли даврларда хилма-хил ёндашувларнинг келиб чиқишига ҳам йўл очди. Шундай ёндашувлардан бири интровертив ёндашув у инсоннинг онг, жон, руҳият, нуқсонлар, фазилатлар каби муҳим хусусиятларини таҳлил этиб, уни “ичдан” тушуниш, англаб етишни назарда тутди. Иккинчи ёндашув экстравертив ёндашув ҳисобланиб, инсонга назар ташлаш, унинг моҳиятини таҳлил қилиш гўёки “сиртдан” амалга оширилади. Кўп жиҳатдан унинг ижтимоий ва табиий моҳияти назарда тугилади. Шунингдек, инсоннинг Худо, космос, универсум ва шу кабилар билан алоқадорлиги таҳлил қилинишига қаратилган ёндашувларни тасаввуфнинг инсонни ўранишдаги зоҳирий ва ботний илмлар зарурати билан қиёсий таҳлил этган. Шу маънода, инсон ва унинг моҳиятини ўрганишга қаратилган ҳар қандай таълимотларнинг ўзи қандай асосга эга эканлиги муҳимдир. Тасаввуф алломаларининг шу муаммога бағишланган қарашларини, таълимотларини синчиклаб ўрганиш лозим. Зеро, унинг асослари Қуръон ва суннага таянганлиги билан бошқа таълимотлардан фарқ қилади. Шунинг учун тасаввуфий илмларни, айниқса, Хожа Муҳаммад Порсонинг антропологик қарашларини ўрганиш орқали инсон тушунчасини кенгроқ таҳлил этиш мумкинлигини таъкидлайди.

